

ҳажмлардан ортқича олинган табиий газ қийматиغا нисбатан 1.4 коэффициент билан оширилган тўлов учдирилмади.

Бунда, белгиланган ҳафтада ҳисоблан приборини шлангитирини, таъмирчилик хизмат кўрсатиш, текшириш ва содиргани минитеринг қилиш учун сениб олин шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти

носодини, чакмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмоли қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортқича ҳажмларни ташқил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маолағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда тўлов муддати ўтган қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олинган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан истеъмол қилини ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мезърлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнанг 5 кунига қалар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи Истеъмолчи ўртадаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим қилинган, Истеъмолчининг бўйинлиқ чегарасида бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотиларини ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи белансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотилар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнанг 7 кунидан кечиктирмадан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилиб олади. Истеъмолчи ва бир нўسخасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзолашлик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ микдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нўسخасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро хал этиш имконияти бўлмаганда, келишимовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади. Истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

## V. ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланган ва икки нўسخада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.